
Ҳасанова Чаросхон учун бугун унитилмас кун бўлди.

Ҳасанова Чаросхон учун бугун унитилмас кун бўлди. Ҳасанова Чаросхон Олтиариқ тумани Бўрболиқ МФЙ да таваллуд топган. 1 гуруҳ ногирони эди. У Фарғона Давлат Университетига ўқишга киришни орзу қиларди. Президентимизнинг ижтимоий-ҳимояга мухтожларга имтиёз берганлиги туфайли ўқишга кириб талаба бўлди. Олтиариқ тумани хокими Х.Ниёзов томонидан 3-декабрь "Халқаро ногиронлар кунини" муносабати билан Ҳасанова Чаросхонга ногиронлик аравачаси ҳамда ўқиши учун "Саҳоват ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан 800 минг тақдим этилди. Совғаларни туман Кенгаши депутатлари Қ.Ахмедов ва Ф.Махмудовлар талабалар турар жойига олиб боришиб, байрам билан табриклашди. Чаросхон билан суҳбатлашар эканмиз у ўз олдига катта орзу-умидларни қуйганлигини ва 1 гуруҳ ногирони бўлишига қарамасдан фан олимпиадалари, турли танловларда қатнашиб, Президентимизнинг ишончларини оқлаб, шу ватан корига яраш учун доим ўз жонбозлигини кўрсатишини ҳаяжон билан гапириб ўтди. Олтиариқ тумани ҳокимлиги ахборот хизмати
2021-12-07 17:56:21